
Ўзбекистон туманининг Тўлаш қишлоғи ички йўллари таъмирлаш бўйича илгари сурилган ташаббус “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси ёлиблигини қўлга киритди

Республика Молия Вазирлигининг “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали амалга ошириб келинаётган “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг навбатдаги йўналиши – “Менинг йўлим” лойиҳаси ёлиблари эълон қилинди.

Мамлакатимиз ҳудудлари бўйича маҳаллалар йўллари солашга қаратилган ушбу лойиҳада Ўзбекистон туманининг “Фаровон келажак” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Тўлаш қишлоғининг ички йўллари таъмирлаш юзасидан илгари сурилган ташаббус ҳам ёлиб деб топилди.

Маҳалла аҳлининг фаолликлари натижасида эндиликда қишлоқнинг ички йўллари таъмирлаш учун 792 миллион 360 минг сўм маблағ давлат бюджетидан сарфланиши белгиланган.

Маълумот ўрнида “Менинг йўлим” лойиҳасида республика бўйича 366 та ташаббус ёлиб деб топилиб, шундан Тўлаш қишлоғи бўйича илгари сурилган ташаббус **жами 18090 та овоз тўлаб, 2-ўринни қўлга киритди.**

2022-05-05 10:06:39